

# ШАРТНОМА

30 - сонли

“27” сибэр 2022 йил

Фаргона ш.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фаргона вилояти Кўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Бошқарма бошлиғи Б.И.Мирзакамолов (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади), бир томондан Низом асосида фаолият юритувчи Бағдод тумани “Тиббиёт бирлашмаси” бош хакими Ж.Шерғозиев (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади), иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади, мазкур Шартномани қуидагилар ҳақида туздилар:

## 1-боб. Шартноманинг предмети

1.”Ижрочи” Миллий гвардия қўриқлаш хизмати техник қўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТКМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, буюртмачи эса мазкур шартнома шартларига асосан ўз вақтида қўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## 2-боб. Умумий шартлар

2.1. ”Буюртмачи” Бағдод тумани Бирлик кучасида жойлашган Бағдод тумани “Тиббиёт бирлашмасига” карашли дорихонасини тунги вактларда дам олиш кунисиз хар куни соат 22:00 дан соат 05:00 гача 7 ( етти ) соатга, **касса хонасини** дам олиш кунисиз хар куни соат 22:00 дан соат 05:00 гача 7 ( етти ) соатга, **1-Архив хонасини** дам олиш кунисиз хар куни соат 22:00 дан соат 05:00 гача 7 ( етти ) соатга, **2-Архив хонасини** дам олиш кунисиз хар куни соат 22:00 дан соат 04:00 гача 6 ( олти ) соатга, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фаргона вилояти Кўриқлаш бошқармаси Бағдод тумани қўриқлаш бўлими техник қўриқлаш марказига қўриқлаш учун топширади. Ижрочи қўриқлаш учун қабул қиласи ҳамда 20-дона шартли белгига техник хизмат кўрсатади.

2.2. Объектнинг техник мустаҳкамлиги тўғрисидаги, қўриқлаш ва ёнгиндан огохлантирувчи техник (ҚЁОС) воситалари билан жиҳозланган жойлар, код билан маҳкамланадиган мосламалар ва бошқа маълумотлар мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган илова ва текширув далолатномасида қўрсатилади.

2.3. Объектнинг қўриқлаш техник воситалари билан таъминлаш “Буюртмачи” томонидан амалга оширилади. Бу воситаларнинг техник хизмати ва жорий таъмирланиши шартнома асосида “Ижрочи” инженер-техник ходимларига алоҳида тўлов орқали амалга оширилади. Объектни қўриқлаш ва ёнгиндан огохлантирувчи мосламалар схемаси Шартномага илова килинади.

2.4. Қўриқлаш тизимида амалда бўлган умумдавлат ҳужжатлари ва норматив актларига асосланган ҳолда объективнинг техник мустаҳкамлигини кучайтириш, қўриқлаш воситаларига тадбик этиш ва жорий этилган қўриқлаш тартибларига амал қилиш юзасидан қўрсатмалар “Буюртмачи” учун мажбурий ҳисобланади.

## 3-боб. Тўловларни амалга ошириш

3.1. Мазкур Шартнома бўйича қўрсатиладиган хизмат нархи **1 ойда 5,733,372** (**беш миллион етти юз ўттиз уч минг уч юз еттимини икки**) сўмни, уч ойлик хизмат нархи **17 200 116** (**ён етти миллион икки юз минг ўн олти**) сўмни ни ташкил қиласи, ўрнатилган тариф асосида қўриқлаш пост-соат ҳисоби бўйича Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган ҳисоб-сметаси (нарх келишиш баённомаси) да ҳисоблаб қўрсатилади.

Ўзаро тасдиқланган смета ҳисоби ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ижрочи хизматлари учун тўловларга қонун хужжатларига мувофиқ ҳолларда ўзгартиришлар киритишига ҳақлидир ва Буюртмачи тўловларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Миллий гврадия Кўмондони томонидан тасдиқланган тарифлари асосида тасдиқланган кундан бошлаб тўловларни амалга ошириши шарт.

3.2. Буюртмачи ҳар ойнинг 25 санасига қадар кўрсатилган хизмат учун тўлов суммасининг 100% миқдоридаги пулни Ижрочининг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3.“Ижрочи” хизмати учун ҳисоб-китоб қилишга ўз маблағлари бўлмаган холда. “Буюртмачи” белгиланган муддатда юқори орган (ташкилотлар) марказлашган фондидан кўшимча маблағлар хисобига қарздорликни қоплади.

3.4.“Ижрочи”нинг кўшимча хизматлари учун “Ижрочи“ томонидан ҳисоб ёки билдириш берилганда “Буюртмачи“ томонидан 10 кун муддатда пул ўтказиш йўли билан тўланади.

#### 4-боб. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

##### 4.1. Буюртмачининг мажбурияти ва хуқуқлари:

4.1.1. Объектни ТҚПга улаш учун қўриқлашга соз ҳолдаги, АТСга уланган телефон тармоғини ажратади.

4.1.2. Қўриқлашга топшириладиган объектни техник мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида текширув далолатномаси юзасидан дераза, форточка, эшик, кулф ва бошқаларни меъёрий талаблар асосида жиҳозлайди ва мустаҳкамлайди.

4.1.3. “Ижрочи” вакилларига, ушбу шартнома асосида олган мажбуриятларини бажариш учун эркин кириб чиқишига шароит яратади.

4.1.4. Объектни қўриқлашга топшириш ва қабул қилиш, калитларни саклаш ва объектни очиб кўздан кечириш учун жавобгар шахсни тайинлайди.

4.1.5. Объектнинг калити йўқолиши оқибатидаги уни алмаштирилганда, шунингдек, унинг бутлиги бузилганлиги аниқланганда зудлик билан “Ижрочи”га хабар беради.

4.1.6. Бегона шахсларга қўриқлаш ва сигнализация тизимини ҳамда пульт рақамларини ўзлаштираслиги учун уларни ошкор қилмайди.

4.1.7. Қўриқлаш сигнализация воситаларидан фойдаланиши қоидаларига қатъий риоя қиласи. Объектни блокировка схемасига ўзгартиришлар киритмайди, ўз ихтиёри билан сигнализация воситаларини алмаштирамайди. “Ижрочи” юзага келган камчиликлар юзасидан ўз вақтида хабардор қиласи.

4.1.8. Объектни қўриқлаш остига топширишдан олдин эшик, дераза, туйнукларни маҳкамланганлигига ишонч ҳосил қиласи. Уларни доимий равишда соз ҳолда сакланишини таъминлайди.

4.1.9. ҚЁОС воситаларини ишчи ҳолатини текшириш учун кунига бир маротаба “Ташвиш” хабари бериш йўли билан, “Ижрочи”ни телефон орқали хабардор қилган ҳолда текширув ўтказади.

4.1.10. Ҳисоб-сметаси асосида ўрнатилган тарифда қўриқлаш хизмати учун ҳар ойлик мажбурий тўловни амалга ошириб боради.

4.1.11. Қўриқлашнинг тўлов ҳисоби ва далолатномаси асосида қўйидаги тўловларни амалга оширади:

- Объектда ўрнатилган объект ҳисобида бўлмаган ва унинг хатоси билан ишдан чиқсан техник воситаларни таъмирлаш учун;
- Объектга ўрнатилган қўриқлашга тегишли бўлган техник воситаларни таъмирлаш учун;
- Сигнализация воситаларининг 5 (беш) йиллик фойдаланиш муддати ўтиб, мукаммал таъмирлаш учун;
- ТҚПни модернизациялаштирилган қўриқлаш системасига ўтказилиши муносабати билан Объектни замонавий техника воситалари билан алмаштириш учун;
- “Буюртмачи” айби билан берилган сохта ташвиш хабар учун (объектни НБП навбатчи бошқарув пульти)ни хабардор, этмаган ҳолда қўриқлашдан чиқариш, телефон дастагини нотўғри ҳолатда қўйиш, мазкур шартноманинг 4.1.8.моддаси талаблари бажарилмаганда) қўриқлаш нарядининг келишига, ҳар бир келиши бир ойлик тўлов ҳисобидан 15 % миқдорида жарима белгиланади.

4.1.12. Сигнализация воситалари учун уланган электр ва телефон тармокларини ўз вактида таъмирлаш чораларини кўради.

4.1.13. Объектни мазкур Шартномада кўрсатилган тартибда белгиланган давомийликда ва муддатга марказлаштирилган кузатувга топширади.

4.1.14. Объектнинг техник мустаҳкамлигини ва ҚЁС воситалари билан жиҳозланишини таъминлайди ва сақлади.

4.1.15. Кўриқланадиган Объект ва унинг периметрини тунги пайтларда керакли ёритиш мосламалари билан жиҳозлаб, ТҚП нарядларига мумкин даражада кўринишни таъминлайди.

4.1.16. Кўриқланадиган Объектни тоифасига қараб, девори, томи ҳамда дeraзалари ва эшикларини кўрсатилган меъёр даражасида бўлишини таъминлайди.

4.1.17. Кўриқланадиган Объектда ўзининг кучи ҳисобидан ёнғин хавфсизлиги тадбирларини ташкил этади ва таъминлайди.

4.1.18. Объект витриналарида қимматбаҳо товар-моддий маҳсулот намуналаридан қўйиш зарур бўлганида, улар ўрнига макетларини қўяди. Витриналарга қўйилган қимматбаҳо товар-моддий бойликларни уларнинг қиймати кўрсатилган ҳолда рўйхатга олиб, моддий жихатдан масъул киши томонидан имзоланади ва “Буюртмачи” мухри билан тасдиқланади.

Мазкур рўйхатнинг бир нусхаси витринада, иккинчи нусхаси “Буюртмачи”нинг моддий жихатдан масъул шахсида, учинчи нусхаси Ижрочига берилади.

4.1.19. Сақлаш даврида пул маблағлари, қимматбаҳо тошлар, олтин, платинадан ишланган маҳсулотлар, тилло, платина, кумуш корпусли соатлар полга маҳкамланган сейфларда сақланади. Пул маблағлари, қимматбаҳо металл ва тошлардан бўлган маҳсулотларни сақлашда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар кўмитасининг Давлат палатаси томонидан ва юридик шахсларнинг касса операцияларини юритиш Қоидалари билан белгиланган талаблар лимитидан юқори бўлса, сақлашга йўл кўймайди.

4.1.20. Кўриқланадиган Объектга ўрнатилган ҚЁС воситаларига Кўриқлаш бўлими ходимларини эркин ҳаракатини таъминлайди.

4.1.21. “Ижрочи” билан биргаликда бир (квартал) чоракда бир марта Объектни техник мустаҳкамлиги, қўриқлаш техник воситалари, шу жумладан ҚЁС воситалари билан жиҳозланганлигини текшириб, шу ҳақда масъул вакиллар имзоси қўйилган, “Буюртмачи” томонидан мавжуд камчиликларни бартараф қилиб, “Ижрочи”га ахборот бериш учун муддати кўрсатилиб, далолатнома тузилади. Мазкур далолатнома Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади, унда кўрсатилган вазифалар бажарилади.

4.1.22. Текширув далолатномаси юзасидан Объектнинг техник мустаҳкамлигини ошириш чора-тадбирларини бажаради, Объектни қўриқланишини такомиллаштириш, ички ва кириб-чиқиш тартибини яхшилаш, моддий товар бойликларни сақланиши учун зарурий шарт-шароитлар яратади ва Ижрочига ўзининг вазифаларини ижро этиши учун кўмаклашади.

4.1.23. Объект худудида таъмирлаш ишлари ёки бошқа тадбирлар ўтказилиши, қўриқланадиган жойлар ва майдонларни ижарага топширилганлиги, эски қўриқланадиган жойларни ўзгартириш ёки янгисини вужудга келиши, мазкур Объектни бошқа шахсларга топширилиши муносабати билан пост жойлашувлари ўзгартирилиши, қўшимча постлар қўйилиши, ҚЁС воситалари билан жиҳозланиши лозим бўлган тақдирда, “Буюртмачи” бу ҳақда “Ижрочи”га 15 кун аввал ёзма равища билдиради.

4.1.24. “Ижрочи” томонидан ваколат берилмаган шахсларга, қўриқлаш ва ёнғиндан огохлантирувчи техник воситаларини техник кўрикдан ўтказиши ва таъмирлашга рұксат бермайди.

4.1.25. Объектни ТҚПга топширишдан камида З (уч) соат олдин ҚЁТ воситаларини созлигини, топширилишини назорат тариқасида текширади. Носозлик аниқланганда зудлик билан хизмат кўрсатадиган электр таъмирловчини чақиради ва бу борада “Ижрочи”га хабар беради.

4.1.26. Объект, ҚЁОС воситалари билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хоналарни кўриқлаш постига, шунингдек ТҚП кўриғига кунда топшириб боради, эшикларнинг қулфлари, деразаларни, фортокаларни ва люкларни ёпилиши, кўриқлаш сигнализация воситалари ва тунги ёритиш воситаларини ҳолатини текширади, қўриқланадиган хоналарда ўчирилмаган электр мосламалар, бошқа ёнгинга олиб келувчи мосламаларни ёқилган ҳолда қолиб кетмаслигини ва бегоналар бўлишининг олдини олади. Объектни топширилиши тўғрисида ТҚПга 5 (беш) дақиқадан кейин хабар тушгандан сўнг объект кўриқлашга олинганлиги тўғрисида ишонч ҳосил қилинади.

4.1.27. Объектга бегона шахслар томонидан объект ёки алоҳида хоналарга кириш оқибатида унинг бутлигига таҳдид қилинганлиги ва содир этилган моддий зарар тўғрисида “Ижрочи”га хабар бериб, “Ижрочи” вакиллари келгунга қадар воқеа жойини дахлсизлигини таъминлайди.

4.1.28. “Ижрочи” томонидан белгиланган мажбуриятлар тўлиқ бажарилмаганлиги натижасида етказилган заар миқдорини аниқлайди ва моддий товар бойликларни ҳисобини олиб бориш учун Қўриқлаш бўлими ходими иштирокида моддий товар бойликларни қолдиги ҳисобланади, шунингдек, “Ижрочи”га барча хужжат ва маълумотлари тақдим этади.

#### **4.2. Ижрочининг хуқуқ ва мажбуриятлари:**

4.2.1. ТҚП кўриғига топшириладиган объектнинг техник мустаҳкамлиги текширилиб, унинг ҚЁОС воситалари билан жиҳозланиши лозим бўлган жойларга қараб далолатнома тузади.

4.2.2. Объектда ҚЁОС воситаларини мажбурий жиҳозланиш жойларини белгилайди.

4.2.3. Объектга ҚЁОС воситаларини жиҳозланишини тавсия этади, Объектнинг заиф жойларини ҚЁОС воситалари билан жиҳозланиши Объект томонидан бажарилмаган тақдирда, Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловада белгилаб қўйилади.

4.2.4.Объектни техник мустаҳкамлиги далолатномасига асосан Объект ҳисобидан ҚЁОС воситалари билан жиҳозлайди ва телефон алоқаси орқали пультга уланади, пульт маълумтономаларини тақдим этади.

4.2.5.Объектдаги ҚЁОС воситаларини ҳар 5 (беш) йилда тўлиқ мукаммал таъмирлайди.

4.2.6.Объект билан келишилган ҳолда объектга қўшимча ҚЁОС воситаларини ўрнатиладиган тақдирда, томонлар ушбу Шартномага қўшимча келишув тузадилар ва Объект ушбу бажариладиган ишлар ҳақини ўрнатилган тартибда аввалдан пул тўловини тўлагандан кейин амалга оширади.

4.2.7.Ўрнатилган тартибда объектни кўриқлашга олишда сигнализация воситалари ёрдамида ТҚПга уланиши ҳамда ўз вақтида кўриқлаш нарядини ташвиш хабари бўйича етиб боришини таъминлайди.

4.2.8. Объект кўриқлашда бўлган вақтда объектга рухсатсиз кирган шахсни қўлга олиш чорасини кўради.

4.2.9.Хўжалик идораси ходимларига ҚЁОС воситаларини ишлатилишини ўргатиб, бу борада йўриқномалар беради.

4.2.10.Ҳар бир тушган сохта ташвиш хабари бўйича далолатнома тузилиб, Объект очилиб кўриқдан ўтказилиб, тузилган далолатноманинг бир нусхаси Буюртмачига берилади.

4.2.11.Сигнализация воситаларини 5 (беш) йил ишлатилгандан кейин мукаммал таъмирланишини амалга оширади.

4.2.12. Хизмат ҳақи тарифи ўзгарган ҳолда “Буюртмачи”ни хабардор қиласди.

4.2.13. Мазкур Шартномани тўхтатиш ёки бир томонлама бекор қилиниши қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) “Буюртмачи” 2 (икки) ойдан өшиқ кўриқлаш хизмати учун тўловларни тўламаганда;

б) “Ижрочи” томонидан техник сабабларга кўра ўз мажбуриятларини бажара олмасликлари туфайли (телефон раками ўзгарганда, телефон ўчирилганда, ТКП тутатилганда);

в) “Буюртмачи”ни номи ўзгариб, “Ижрочи”ни бундан хабардор қилмаганда;

г) Мазкур Шартноманинг 4.1.2., 4.1.3., 4.1.5., 4.1.7., 4.1.8., 4.1.16. бандлари бузилганда.

4.2.14. Телефон ўчирилганда ёки носоз бўлган ҳолда, электр манбаи ўчирилганда ТКП жойи ўзгарганда Объект қўриқлашга қабул қилинмайди ва бу ҳақда “Буюртмачи”ни ёзма ёки телефон орқали хабардор этади.

## 5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

### 5.1. Буюртмачининг жавобгарлиги :

5.1.1. Мазкур Шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўлмаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пения тўлайди.

5.1.2. Объектни қўриқлаш даврида:

мазкур Шартноманинг 4.1.2., 4.1.5., 4.1.6., 4.1.7., 4.1.8., 4.1.12., 4.1.14., 4.1.15., 4.1.16., 4.1.19., 4.1.20., 4.1.23., 4.1.24., 4.1.25., 4.1.26., 4.1.27. бандларида кўрсатилган талаблар “Буюртмачи” томонидан бажарилмаганлиги оқибатида жавобгарликни ўз зиммасига олади.

### 5.2 Ижрочининг жавобгарлиги

5.2.1. Ижрочи мазкур Шартнома кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.

Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

### 5.2.3. Кўйидаги ҳолатларда келтирилган моддий-заарлар учун “Ижрочи” жавобгар ҳисобланмайди:

Пул маблағлар “Буюртмачи”нинг объектда қолдиришга ҳаққи бўлмаган ҳолатда, белгилангандан ортиқ миқдорда қолдирилса, шунингдек пул маблағлари сейф ёки полга маҳкамланган металл шкаф (кути) ларда сакланмаган бўлса, ўғирланса ёки талончилик қилинса;

Фуқароларнинг шахсий мулклари ўғирланса;

Бино ёпилиши ёки қўриқлаш учун қабул қилинишидан олдин кириб олган шахс томонидан ўғирлик ёки талончилик содир этилса;

Товар-моддий бойликларнинг ўғирланиши ёки талончилик қилинишида;

Бу бошқа мулкдорники бўлиб, у қўриқланадиган хонани ижарага олиб қўриқлаш учун мустақил шартнома тузилмаган бўлса;

Агар “Буюртмачи” томонидан қўриқлаш сигнализацияси ёқилмагани сабаб бўлса, объектни қўриқлашга топширмаган ёки қўриқлаш воситаларининг носозлиги ҳақида маълум қилмаган бўлса, шунингдек бошқа техник сабабларга кўра қўриқлаш олиб борилмаган бўлса;

Шартноманинг 4.1.20. банди талаблари бузилса, жихозланган витриналардан ўғирланса ёки талончилик қилинса.

“Буюртмачи” томонидан қўрсатилган муддатларда Объектни техник мустаҳкамлигидаги талабларни ва мазкур Шартноманинг 4.1.5., 4.1.6., 4.1.8., 4.1.16., 4.1.24., 4.1.25., бандлари бажарилмаганлиги оқибатида ўғирлик содир этилса.

## 6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

6.1. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вактида тарафларни ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган заарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун хужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## 7-боб. Форс-можор

7.1. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-можор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

7.2. Енгиб бўлмайдиган уч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга хақли эмас.

7.3. Форс-можор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

7.4. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равища кечиқтирилади. Агарда форс-можор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга хақли.

## 8-боб. Якуний қоидалар

8.1. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга қиради.

8.2. Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблаглари оловчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтқазилгандан сўнг кучга қиради.

8.3. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчадар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда хақиқийdir.

8.4. Томонлар мазкур Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш хақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олинганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмагандан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

8.5. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича-Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблаглари оловчилари бўйича-белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтқазилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш хақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларга узайтирилган ҳисобланади.

8.6. Агар техник кўриқлаш воситалари Буюргачининг айби билан ишдан чиқсан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб килса, бирок Буюргачи буни рад этса, Ижрочи Буюргачига етти кун олдин ёзма маълум килиган ҳолда алоҳида обьектларни кўриқлашни рад этиши мумкин.

8.7. Буюргачи кетма-кет уч ой давомида мазкур Шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи томонидан белгиланган муддатларда янгитдан тасдиқланган тарифлар асосида тақдим этилган смета хисобларини тасдиқлашдан бош торгса, Ижрочи мазкур шартномани Буюргачини ёзма равища огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга хақли.

8.8. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида кўриқлаш тартибини бузса, Буюргачи мазкур Шартномани Ижрочини ёзма равища огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга хақли.

8.9. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 60 кун олдин ёзма равища маълум қилади.


8.10. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун хужжатларига мувофиқ хуқук ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

8.11. Ушбу шартнома тасдиқланиши билан "01" 01 2021 йил кундаги 30-сонли шартнома ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

#### 9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

##### “ИЖРОЧИ”

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Фаргона вилояти Кўриқлаш бошқармаси  
Юридик манзили: Фаргона шаҳар Оқсув  
кўчаси 4-үй  
Банк реквизитлари: 21596000900210137001  
МФО-00026  
СТИР: 200146674  
ИФУТ: 80200  
Марказий банк Фаргона шаҳар



##### “БУЮРТМАЧИ”

Тиббиёт бирланимаси бош хакими  
Баҳдоғи шакургаси  
сарф 100022860302087073101059001  
иқн 200158873 сиёҳи 91541  
ХР 23402000300100001010  
Марказий ҳанни Ташекът  
14900014 Ғизиҳ 201122919

##### «БУЮРТМАЧИ»

Тиббиёт бирланимаси бош хакими

Фарғона вилояти Кўриқлаш бошқармаси қўриқловига олинган  
Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмаси биносининг

**СМЕТА ХАРАЖАТЛАРИ ХИСОБИ**

№	Кўриқлашанаётган объектларнинг номи	Объектнинг манзили	Кўриқлаш тури	Кўриқлаш вақти (соати)			Ўртача бир ойлик кўриқлаш соати	Ўртача бир ойлик кўриқлаш соати	Объектнинг кўриқловов сўммаси 1 ойлик сўммаси
				Иш куни	Дам олиш ва байрам олди куни	Дам олиш ва байрам кунлари			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	Касса хонаси	Бағдод т.	ТҚП	7	7	7	213	6256	1 332 528,00
2	Дорихона	Бағдод т.	ТҚП	7	7	7	213	6256	1 332 528,00
3	Архив -1 хона	Бағдод т.	ТҚП	7	7	7	213	6256	1 332 528,00
4	Архив -2 хона	Бағдод т.	ТҚП	6	6	6	183	6256	1 144 848,00
			КЕОС		20x29547				590 940,00
	ЖАМИ:								5 733 372,00

Фарғона вилояти Кўриқлаш  
бошқармаси бончаки  
И.Мирзакамалов

Фарғона вилояти Кўриқлаш  
бошқармаси бончаки  
Ф.Ишанкулов

Тиббиёт бирлашмаси бош  
хакими

И.Мирзакамалов  
Бош хисобчи  
Ф.Ишанкулов

11.11.2022 йил

2022 йил

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUJJATLARNING  
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**


**1. Loyihaning turi – Sharhnomalar.**

**2. Loyihaning nomi** - Bag'dod tumani Tibbiyot birlashmasiga Milliy gvardiya Farg'ona viloyati Qo'riqlash boshqarmasi tomonidan 17.200.116 so'mlik qo'riqlash xizmatini ko'rsatish to'g'risida.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot** - Bag'dod tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilib, 2022 yil 26 yanvar kuni taqdim etilgan.

**Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.**

Bag'dod tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti:



E.Botirov